ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ФИЛАТОВА АЛЬБИНА ВАСИЛЬЕВНА

СТРУКТУРАЛАНГАН ГИДРОФИЛ ПОЛИМЕРЛАР АСОСИДА АЛЛЕРГИЯГА ҚАРШИ ВА ЯРА БИТКАЗУВЧИ КОМБИНАЦИЯЛАНГАН ФАОЛЛИККА ЭГА ДОРИ ПРЕПАРАТЛАРИНИ ЯРАТИШ

02.00.10 – Биоорганик кимё

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УДК 541.677.466.616.+615.46

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of dissertation abstract of doctor (DSc) of science

Филатова Альбина Васильевна
Структураланган гидрофил полимерлар асосида аллергияга
қарши ва яра битказувчи комбинацияланган фаолликка
эга дори препаратларини яратиш.....

Филатова Альбина Васильевна
Создание лекарственных препаратов с комбинированной активностью,
против аллергии и для ранозаживления, на основе
структурированных гидрофильных полимеров.....

Filatova Albina Vasilevna
Creation of drugs with combined activity, against allergies and for wound healing,
based structured hydrophilic polymers……

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ФИЛАТОВА АЛЬБИНА ВАСИЛЬЕВНА

СТРУКТУРАЛАНГАН ГИДРОФИЛ ПОЛИМЕРЛАР АСОСИДА АЛЛЕРГИЯГА ҚАРШИ ВА ЯРА БИТКАЗУВЧИ КОМБИНАЦИЯЛАНГАН ФАОЛЛИККА ЭГА ДОРИ ПРЕПАРАТЛАРИНИ ЯРАТИШ

02.00.10 – Биоорганик кимё

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/T334 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.biochem.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Тураев Аббасхан Сабирханович** кимё фанлари доктори, академик
Расмий оппонентлар:	**Сагдуллаев Баходир Тахирович** техника фанлари доктори, профессор
	Гафуров Махмуджон Боқиевич кимё фанлари доктори, к.и.х.
	Халилов Равшанжон Муратджанович техника фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Тошкент фармацевтика институти**

Диссертация ҳимояси Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «____» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел.: 262-59-13, факс: (99871) 262-73-48.

Диссертация билан Ўсимлик моддалари кимёси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел.: 262-59-13, факс: (99871) 262-73-48, e-mail: @mail.ru).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2020 йил _____даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

Ш.Ш. Сагдуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Н.К. Хидирова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.ф.н.

С.Ф. Арипова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.
профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирда дунёда ташқи таъсир қилувчи юмшоқ дори шаклларини яратиш биоорганик кимё ва фармацевтиканинг долзарб ва устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Айниқса, гидрофил полимер асослардан макромолекуляр системалар олиш долзарб бўлиб қолмоқда. Гидрофил полимерлар асосида олинган юмшоқ дори воситалари бир жинсли қовушқоқ тизимлар ҳосил қилади, тери юзаси билан таъсирлашувида ўзидан осонлик билан фаол моддаларни ажратиб чиқаради ва доривор моддаларнинг юқори концентрацияси зарарланган жойларда узлуксиз тўпланишини таъминлайди. Шунинг учун хозирги кунда гидрофил табиий ва синтетик полимерлар асосида ташқи қўлланилувчи янги юмшоқ дори шаклларини яратиш, уларни амалиётга тадбиқ қилиш, уларни ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган саноат технологияларини яратиш мухим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда дунё фармацевтика саноатида юмшоқ дори шаклларини яратиш учун етарли миқдордаги гидрофил асосларга эга эмас. Шунинг учун гидрофил макромолекуляр тизимларни стркутуралашни тадқиқ этиш, уларни ишлаб чиқариш технологияларини яратиш, улар асосида аллергик тери касалликлари ва жароҳатларни даволашда юмшоқ шаклдаги дори воситаларини ишлаб чиқиш замонавий тиббиётнинг муҳим масалаларидандир. Шу сабабли макромолекулаларни структуралаш орқали юмшоқ дори шаклларини яратишда: гидрофил полимерларни структуралаш орқали бошқариладиган молекуляр параметр ва физик-кимёвий хусусиятли макромолекуляр системалар олиш; дори воситалар ва макромолекуляр системалар асосида юмошқ дори шаклларини ва уларни ишлаб чиқаришнинг саноат технологияларини яратишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда аҳолини маҳаллий ўсимлик хом-ашёлари асосида олинган арзон, юқори сифатли дори-дармон ва импорт ўрнини босувчи дори воситалари билан таъминлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилиб муайян натижаларга, жумладан янгича ёндошувга асосланган, юқори самарадор дори воситалари ишлаб чиқаришнинг илмий асосларини яратишга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-йўналишида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш»[1] юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу ўринда маҳаллий хом ашёлар асосида жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган антибактериал дори воситаларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда, 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2020- йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги фармони.

4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[2]. Гидрофил полимерларни гел ҳосил бўлиш жараёнларини тадқиқ этиш ҳамда улар асосида комбинацияланган таъсирга эга дори воситаларини яратишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар юзасидан жаҳондаги етакчи илмий тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Стенфорд, Пердью, Ғарбий Лафайет университетларида (АҚШ), Пьемонт университетида (Италия), Инновациялар ва биологик жараёнлар таҳлили лабораториясида (Канада), Муҳандислар Олий мактабининг “Синтетик кимё” кафедрасида, Киото университетида (Япония), М.В. Ломоносов номидаги Москва Давлат Универстетида (Россия), Биоорганик кимё институтида (Ўзбекистон) илмий изланишлар олиб борилмоқда

Гидрофил полимерларни структуралаш жараёнлари ва улар асосида ташқи таъсирга эга препаратлар яратиш юзасидан дунёда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижалар олинган, жумладан: табиий ва синтетик полимерлар ивиқ ҳосил қилиш жараёни тадқиқ этилди ва оригинал гел шаклидаги “Gel Biocodex” дори воситаси яратилган (Пердью университети, АҚШ); натрий гиалуронат ва кумуш сульфодиазини асосида регенератив тиббиётда қўлланиладиган препарат олинган (Пьемонт университети, Италия); синтетик гидрофил полимерлар асосида теридаги аллергик тошмаларни даволашда қўлланиладиган юмшоқ дори шакллари ишлаб чиқилган (Новара университети, Италия); гидрофил полимерлар асосида олинган гидрогел асосларига дори препаратларини киритиш натижасида ҳуснбузар ва аллергик тошмани даволаш учун крем (суртма) – Ugresol gel олинган (Монреал университети, Канада); гидрогел композицияларга саратонга қарши препаратларни киритиш натижасида янги саратонга карши фаолликка эга дори воситаси яратилган (Киото университети, Япония); гидрофил геллар таркибига кумуш каритиш орқали «Сульфагин», «Дермазил» яра битказувчи малҳам дори воситалари олинган (Москва Давлат Университети, Россия); полиакрил кислотаси асосида аллергияга қарши «Флудигель», ярани битказувчи «Тимогель» ва ультратовуш ташхис учун «Полижель Ультра» контакт муҳити каби самарали дори воситалари яратилган (Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон).

---

[2] Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи http://omicsonline.org/scholarly-journals-articles-ppts-list.php, https://pharmj. org.ua/index.php/journal /article/view/329 ва бошқа манбаалар асосида ишлаб чиқилган.

Дунё миқёсида гел асосидаги макромолекуляр тизимларни яратиш юзасидан қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: тиббиёт ва косметика жарроҳлигида кимёвий тикилган гел композицияларини яратиш; ташқи таъсирга эга монопрепаратларни комбинацияланган таъсирга эга кўп таркибли препаратларга алмаштириш; комплекс препаратлар қўлланганда ҳосил бўлувчи заҳарли ва ножўя таъсирларни камайтириш; дори воситаларининг даволовчи таъсирини яхшилаш, шунингдек, уларнинг таъсир қилиш механизмларини аниқлаш ва улар асосида янги дори воситаларини яратиш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Илмий-техник ва патент адабиётларда полимерлар таркибий тузилиши асосида қатор касалликларни даволаш учун қўлланиладиган ташқи комбинациялашган таъсирга эга дори воситаларини олиш технологиясини ишлаб чиқишга доир кўп сонли илмий маълумотлар келтирилгани ва муҳокама қилинганлигини кўриш мумкин. Мазкур йўналишда хорижий олимлардан: H. Pepas, G.V. Harrington (USA), B.Mayer, A. Vies (German), J. Donnelu (Italy) томонидан тадқиқотлар олиб борилган, табиий ва синтетик полимерларнинг кимёвий тикилиш жараёнлари тадқиқ қилинган ва гел асосида олинган макромолекуляр тизимнинг таркибий механик ҳамда физик-кимёвий хусусияти аниқланган.

Илмий адабиётларда кўплаб илмий мақолалар ва маълумотлар бўлишига қарамай кўп компонентли дори воситаларини, таркибида иммуномодулловчи, антимикроб, антисептик препаратлар тутувчи композациялар олиш, уларнинг технологияларини яратишга бағишланган ишлар деярли учрамайди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, гел асосида яратилган аллергияга, замбуруғли инфекция асоратига қарши ҳамда гормонал препаратларга эга бўлмаган дори воситалари ўрганилмаган. Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, мазкур муаммо етарлича тадқиқ этилмаган.

Ўзбекистонда табиий ва синтетик полимерларни структуралаш жараёнларини тадқиқ этиш бўйича тадқиқотлар академик А.С.Тураев ва проф. А.А.Саримсоқовлар раҳбарликлари остида амалга оширилган. Гидрофил полимерлар асосида комбинацияланган препаратлар олиш бўйича Биоорганик кимё институти, Полимерлар кимёси ва физикаси институтида изланишлар олиб борилмоқда. Қатор йиллар мобайнида табиий ва синтетик полимерларни структуралаш жараёнларини тадқиқ этиш, геллар асосида аллергияга қарши ва яра битказувчи комбинацияланган макромолекуляр тизимлар олиш борасида изланишлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-10-085 «Биометрохлоротим – яра битказувчи ивиқли боғлам» (2006-2008 йй.) мавзусидаги амалий ва ФА-И11-Т-012 «Яра битказувчи «Тимогель» дори воситаси ва ультратовуш ташхиси учун «Полижель Ультра»

контакт муҳитини ишлаб чиқиш технологиясини яратиш» (2014-2016 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади гидрофил макромолекулалар тизимлари - карбоксиметилцеллюлоза, гуар, пектин, полиакрил кислоталарни структуралаш, улар асосида аллергик тери касалликлари ва жароҳатларни даволаш учун комбинацияланган юмшоқ дори шаклларини хамда ультра товуш ташхиси учун гелларни олиш, уларнинг ишлаб чиқариш технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гидрофил полимерларнинг структуралаш жараёнини тадқиқ этиш, олинган гелли асосларнинг барқарорлиги ва реологик хусусиятларини ўрганиш ҳамда гелли асоснинг энг мақбул вариантини танлаш;

аллергия ва ярани битказишда қўлланиладиган препарат технологияси ва мақбул таркибини назарий жиҳатдан ва тажриба ўтказиш йўли билан асослаш;

комбинацияланган препаратларнинг технологик, физик-кимёвий, реологик, биофармацевтик хусусиятларини ўрганиш юзасидан комплекс тадқиқотлар ўтказиш;

дори воситаларини стандартлаш ва уларнинг яроқлилик муддатини белгилаш мақсадида, ишлаб чиқилган дори воситаси шаклида биологик фаол моддаларни миқдорий жиҳатдан аниқлаш ва стандартлаш усулларини ишлаб чиқиш;

препаратларнинг клиник олди тадқиқотларини олиб бориш ҳамда комбинацияланган дори воситаларни самарадорлигини аналог препаратлар билан таққослаб, қиёсий баҳолаш;

ультратовуш ташхиси учун қўлланилувчи «Полижель Ультра» контакт муҳитининг олиш технологияси ва товуш ўтказувчанлигини аниқлаш;

ВФМ лойиҳаларини, яратилган «Флудигель», «Тимогель», ультратовуш ташхисида қўлланиладиган «Полижель Ультра» контакт муҳити учун регламентларни ишлаб чиқиш ҳамда «Тимогель» препаратини клиник синовлардан ўтказиш ва ишлаб чиқаришга рухсат олиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникаси экспертизаси ва стандартлаш Давлат маркази» ДУКга тақдим этиш;

«Тимогель» ва «Полижель Ультра» препаратларини саноат шароитида ишлаб чиқарилишини ташкиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида гидрофил полимерлар гуар смоласи, пектин, натрий карбоксиметилцеллюлоза, карбопол, шунингдек, тимоптин, метронидазол, хлоргексидин, дифенгидрамин, флуконазол ва диметилсульфоксид танланган.

Тадқиқотнинг предмети гидрофил полимерларнинг ивиқ ҳосил бўлиш жараёнини ўрганиш, улар асосида ташқи қўллаш учун комбинацияланган композициялар яратиш, янги дори препаратларининг физик-кимёвий,

қовушқоқ-эгилувчанлик ва фармакотоксикологик хусусиятларини тадқиқ қилиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда физик-кимёвий (УБ-, ИҚ-, ЯМР спектроскопия, элемент таҳлили), реологик ҳамда *in vitro* ва *in vivo* шароитидаги фармакотоксикологик тадқиқот усулларидан фойдаланилган. Ишлаб чиқилган препаратларнинг стандартизацияси замонавий таҳлил усулларида (ЮССХ) бажарилган.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор гуар смоласи эритмаларини борат ионлари ва уларнинг комплекслари билан структуралаш имконияти аниқланди; $[B(OH)_4]^-$ ионлари полисахаридларнинг цис тартибида жойлашган 2 ва 3 углерод атомлар ангидроглюкопираноз ҳалқаларидаги ОН гуруҳлари орқали тикилиши аниқланган;

илк бор Na-КМЦ, пектин ва карбополнинг структураланган гелли асос олиш технологияси ишлаб чиқилган;

замбуруғли инфекция асоратлари, аллергияни даволовчи «Флудигель» гели, ярани даволовчи «Тимогель» оригинал гели ва ультратовуш ташхиси учун “Полижель Ультра” контакт муҳитини олиш технологияси яратилган;

комбинацияланган препаратларни стандартлаш мақсадида технологик, физик-кимёвий ва биофармацевтик хусусиятлари аниқланган;

препаратлар таркибидаги фаол компонентларнинг миқдорий таҳлил усули ишлаб чиқилди, дори воситаларининг реологик хусусиятларига концентрация, pH, ҳароратнинг таъсири аниқланган;

комбинацияланган препаратларнинг самарадорлиги терининг аллергик касалликлари ва ярани даволашда қўллаш имкониятлари исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аллергияга қарши ташқи таъсир қилувчи «Флудигель» препарати олинган ва уни ишлаб чиқариш технологияси яратилган;

ультра товуш ташхиси учун «Полижель Ультра» контакт муҳити олинган ва уни саноат ишлаб чиқариш технологияси яратилган;

яра битказувчи хусусиятига эга ташқи қўлланувчи «Тимогель» препарати олинган ва уни саноат ишлаб чиқариш технологияси яратилган;

яра битказувчи «Тимогель» препарати ва ультра товуш ташхиси учун «Полижель Ультра» контакт муҳити учун норматив-техник хужжатлар тайёрланган ва тасдиқланган;

ультра товуш ташхиси учун «Полижель Ультра» контакт муҳити ва яра битказувчи «Тимогель» гелини «Torimed Pharm» МЧЖ корхонасида серияли ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг замонавий физик-кимёвий тадқиқот усулларини кўллаш орқали олинганлиги билан тасдиқланади. Олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш Стьюдент критерияси ёрдамида, ўртача кийматнинг ишончлилик интервали оралиқ қийматларини ҳисоблаган ҳолда олиб борилган. Олинган натижаларнинг

исботи мутахассисларнинг эксперт баҳолари, тадқиқот натижаларининг амалга оширилиши, уларнинг республика ва ҳалқаро конференциялардаги маҳокамаси бўлиб, натижаларнинг илмий нашрларда чоп этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, гидрофил асослардан ташқи қўллаш учун комбинацияланган дори воситалари олишга яроқли макромолекуляр гел тизимларини яратиш имконини берувчи гидрофил полимерларнинг гел ҳосил бўлганлиги билан илмий асосланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган макромолекуляр структура асосида аллергияга қарши «Флудигель», яра битказувчи «Тимогель», ультра товуш ташхиси учун контакт муҳит «Полижель Ультра» комбинацияланган препаратлари яратилган ва уларни фармацевтика саноатининг ривожлантириш агенлиги корхоналарида ишлаб чиқаришга хизмат калади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гидрофил полимерларни структуралаш ва улар асосида комбинацияланган самарали препаратлар технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

таркибида метронидазол, хлоркексидин ва тимоптин бўлган комбинирланган дори воситаси учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги патенти олинган (№ IAP 04608, 30.11.2012). Натижада куйиш ва яранинг битиш муддатини тезлаштирувчи препарат яратиш имконини берган;

таркибида дифенгидрамин, флуконазол бўлган комбинацияланган дори воситаси учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги патенти олинган (№IAP 05327, 18.01.2017). Натижада аллергияга қарши янги дори воситасини ишлаб чиқариш имконини берган;

«Тимогель» препаратига вақтинчалик фармакопея мақоласи (№42 Уз-1844-2011) ва ташкилот фармакопея мақоласи (№42 Ўз – 24474240-3110-2017) тасдиқланган хамда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббиёт амалиётида қўллаш учун руҳсат берилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати, шаҳодатнома, 01574/06/17). Натижада импорт ўрнини босувчи экспортга йўналтирилган препарат ишлаб чиқариш имконини берган;

саноат регламенти (ПР 42 Уз-03873-939386-2010) ва техник шартлари (O’z DSt 2793:2013) тасдиқланган, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббиёт амалиётида қўллаш учун рухсат берилган ҳамда ультра товуш ташхиси учун «Полижель Ультра» контакт гелини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати; DV/M0086/09/16-сон гувоҳнома). Натижада «Полижель Ультра» контакт гелини саноат миқёсида ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари маъруза кўринишида баён қилинган ҳамда 5 та халқаро ва 15 та республика

илмий-амалий конференцияларда, шунингдек, амалий ва инновацион лойиҳалар ҳисоботларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 39 та илмий иш нашр қилинган. Шундан 19 та илмий мақола, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестацияси Комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари нашри учун тавсия қилинган 3 та хорижий ва 16 та республика илмий журналларида ўз аксини топган, 2 та патент олинган. Вақтинчалик фармакопея мақола, регламент, ташкилот стандарти, қўллаш бўйича йўриқномаси тасдиқланган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 188 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари асослаб берилган, диссертация ишининг объекти ва предмети таърифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланиши йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг янгилиги ва амалий натижалари очиб берилган, уларни амалиётга тадбиқ қилиш таклиф этилди, нашр қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Аллергия, яра, куйишдаги ташқи шакллар фармакотерапия соҳасидаги тадқиқотларнинг замонавий ҳолати”** деб номланган **биринчи бобида** диссертация мавзусига доир илмий тадқиқотларнинг батафсил шарҳи ва муаммонинг ўрганилиш даражаси келтирилган. Адабиётлар таҳлили гелнинг ҳосил бўлиш жараёнларига бағишланган, аллергия, яра ва куйишни даволаш учун қўлланувчи гел асосидаги замонавий комбинацияланган воситалар кўриб чиқилган. Бу эса тадқиқотнинг мақсади, вазифасини аниқлаш ва тадқиқот объектларини танлашга имкон яратган.

Диссертациянинг **“Юмшоқ дори шакллар технологиясини ишлаб чиқиш ва уларни тадқиқ этиш усуллари”** деб номланган **иккинчи бобида** материаллар, реактив кўрсаткичлари, тадқиқотда фойдаланилган ускуналар, тадқиқотни ўтказиш босқичлари, фойдаланилган адабиётлар тавсифи, дори воситалари тадқиқоти усуллари баёни берилган: тадқиқотнинг реологик усуллари, барқарорлиги, микробиологик тозалигини аниқлаш, юқори самарали суюқлик хроматография усули, препаратларнинг тажриба намуналарини фармакологик синаш усули. Олинган натижалар асосида (Microsoft Excel) компьютер программасидан фойдаланиб, статистик мезонлардан фойдаланган ҳолда статистик таҳлил амалга оширилган.

Диссертациянинг **“Полисахаридларнинг ивиқ ҳосил бўлиш жараёнини тадқиқ этиш ва улар асосида гелсимон структура яратиш”** деб номланган **учинчи бобда** гелли асосни яратиш мақсадида гуар смоласи,

пектин, натрий карбоксиметилцеллюлоза (Na-КМЦ), карбополнинг реологик хоссаларини ўрганиш ва структуралаш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Гуар смоласини (ГС) натрий тетраборат, пентаэритритборат ва сорбитборат билан структуралаш жараёни тадқиқ этилган. 2 ва 3 углерод атомлари цис ҳолатда жойлашганда ОН гуруҳларини борат ионлари билан комплекслар ҳосил қилиши орқали тикилган тизимларни олиш имконини беради. Пентаэритритборат ва сорбитборатларни тикувчи агентлар синтези кучсиз ишқорий (pH=8-9) муҳитда 80^0С ҳароратда пентаэритрит:натрий тетраборатнинг 1:1, 1:2 каби турли нисбатларда аралаштириб турган ҳолда олиб борилди. Пентаэритритнинг натрий тетраборат билан сувли муҳитда ўзаро эквивалент нисбатдаги таъсири натижасида полимер хусусиятга эга комплекс олинди. Полимер комплекснинг таркиби компонентлар нисбати ва реакциялар шароитига боғлиқ ҳолда ўзгариб боради. Пентаэритрит:тетраборат 1:2 нисбатда, яъни пентаэритритнинг бир молекуласига борат ионининг икки молекуласи тўғри келиб, комплекс ҳосил бўлиш реакцияси қуйидаги схема бўйича боради, комплекс эса қуйидаги тузилишга эга:

$$B_4O_7^{2+} + 7H_2O \rightarrow 2H_3BO_3 + 2[B(OH)_4]^-$$



Олинган комплекс тузлар табиатига кўра, тикувчи агент ва молекулалараро боғлар билан фарқланади. Гелли асосни олиш учун хона ҳароратидаги ГС эритмасига секин аралаштириб турган ҳолда ГС таркибига турли моль нисбатдаги тикувчи агент киритилди. Бунда тизимнинг структураланиш жараёни дарҳол содир бўлади, яъни тизимнинг қовушқоқлиги юз марталаб ортиб, ивиқли боғлам (гел) ҳосил бўлади.

Кимёвий тикиш натижасида, динамик қовушқоқлиги 35,3 Па·с га тенг ивиқ олинди. Ивиқли боғламнинг физик-кимёвий ва реологик хоссалари ўрганилди. ГК нинг ивиқ ҳосил қилиш механизми ГС ва комплекс ҳосил қилувчи агентлар (тетраборат, пентаэритритборат, сорбитборат) ўртасида: борат иони учун (натрий тетраборат учун) галактоманнан пираноза халқаларидаги гидроксил гуруҳларидан 4 та водород ионларининг борат ионларига алмашиниши, пентаэритрит ва сорбит учун эса спиртдаги гуруҳлар орасидаги молекулалараро боғнинг ҳосил бўлишидан вужудга келади.

Гел ҳосил бўлиш реакцияси қуйидаги схема бўйича давом этади:



Кейинги тадқиқотимизда гел ҳосил қилувчи сифатида пектинни ўргандик:



Пектинни гел ҳосил қилиш реакциясини Ca^{+2}, Co^{+2}, Mg^{+2}, Zn^{+2} поливалент металл ионлари ва кўп асосли: лимон, глутар ва вино кислоталар иштирокида ўрганилди.

Пектиннинг гел ҳосил қилиш механизми пектин макромолекуласи занжиридаги карбоксил гуруҳидаги водород ионларининг кальций ионлари (ёки бошқа поливалент катионлар) билан ўзаро таъсири натижасида юзага келганлиги аниқланди. Кўп асосли кислоталар гел ҳосил қилувчи макромолекулалар билан ўзаро мустаҳкам боғланишда асосий ўрин эгаллайди.

Суюқликни ушлаб турувчи (лимон кислотасининг сувли эритмаси) шаклланган уч ўлчовли гел структурасини қуйидаги схематик тарзда ифодалаш мумкин:



Пектин ва тикувчи эритмаларнинг турли концентрацияларини, шунингдек, pH муҳитини танлаган ҳолда, эритмаларнинг оқувчанлигини бутунлай йўқотиш мумкин. Пектиннинг гел ҳосил қилишида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, пектин Co^{+2} ҳамда Ca^{+2} ионлари билан мустаҳкам, эластик гел ҳосил қилиб, бошқа метал ионлари билан эса динамик

қовушқоқлиги 3,0 Па·с дан кам бўлган беқарор, синувчан ёки донадор бўлган ивиқ ҳосил қилиниши аниқланди.

Тадқиқотимизда натрий карбоксиметилцеллюлоза (Na-КМЦ) навбатдаги объект сифатида танланди.

Na-КМЦ макромолекула занжирида – COONa гуруҳи сақловчи, кенг қўлланиладиган гел ҳосил қилувчи ҳисобланади:



алмашиниш даражаси - 0,7 полимерланиш даражаси - n=450

Na-КМЦ эритмасининг структуралаш жараёни унга кўп асосли кислоталар (лимон, вино, глутар) иштирокида турли нисбатлардаги поливалент металл ионларини (Me^{+n}) қўшиш ва pH муҳитини ўзгартириш орқали тадқиқ қилинди. Ивиқ ҳосил қилувчи Na-КМЦ эритмасидаги асосий реакция Na-КМЦ макромолекулаларидаги -COOH гуруҳини поливалент металл ионлари (Al^{+3} комплекс тузи ва лимон кислотаси) билан ўзаро таъсирлашувининг натижаси эканлиги исботланди.



Na-КМЦнинг ивиқ ҳосил қилиш реакцияси

Na-КМЦ нинг кимёвий тикилиши натижасида, динамик қовушқоқлиги 22,8 Па·с га тенг мустаҳкам ивиқ олинди. Ивиқни глицерин ва пропиленгликол билан пластификациялаб, динамик қовушқоқлиги 4,6 Па·с га тенг бўлган гел асоси олинди.

Тадқиқотларимизда навбатдаги гел ҳосил қилувчи бирикма сифатида карбопол ўрганилди. Синтетик полимер бир нечта маркаларининг скринги ўтказилиб, тадқиқотларимизга мос келувчи “Ультрез 21” карбопол маркаси танлаб олинди. Карбопол “Ультрез 21” синтетик полиакрил кислота полимери бўлиб, пентаалилэритрит билан мустаҳкам тикилган. Карбопол эритмаси кислотали муҳитга эга бўлиб, нейтрал гел асосини олиш мақсадида нейтралланади. Тадқиқотларда карбополни нейтраллаш учун бир нечта нейтралловчи агентлар ва уларнинг гел динамик қовушқоқлигига таъсири ўрганилди. Карбополнинг 1,0% ли сувли дисперсиясида pH муҳити 2,8 га тенг.

1-жадвал

Нейтралловчи агентнинг карбопол динамик қовушқоқлигига таъсири

Нейтралловчи агент (карбопол: нейтрал.агент 1:1 моль нисбатларда)	pH муҳит	Динамик қовушқоқлик, Па·с	Изоҳ
NH_4OH	5,8	4,0	Юмшоқ гел
NaOH	7,1	6,4	Барқарор шаклга эга гел
Диизопропаноламин	5,7	3,8	Гел оқувчан
Аминометилпропанол	5,6	2,67	Гел оқувчан
Моноэтаноламин	5,5	2,0	Гел оқувчан
Диэтаноламин	5,7	3,7	Беқарор шаклга эга гел
Триэтаноламин	6,5	6,5	Барқарор шаклга эга, яхши суриладиган, нейтрал гел

1-жадвалдан кўриниб турибдики, карбополни триэтаноламин ва ишқор билан нейтраллаш натижасида, барқарор шаклга эга, шаффоф гел ҳосил бўлди. Карбопол эритмасига триэтаноламин қўшилганда юқори қовушқоқликка эга, pH муҳити нейтрал бўлган гел ҳосил бўлганлиги сабабли, уни нейтралловчи агент сифатида танланди. Ивиқ ҳосил бўлишини қуйидаги схематик тарзда кўрсатиш мумкин:



pH муҳити 6 дан юқори бўлганда полимернинг карбоксил гуруҳлари ионланади, натижада манфий зарядланган заррачаларнинг ўзаро итарилиш жараёни содир бўлиб, полимернинг бўкиши ва занжири тўғриланиши ҳисобига гел ҳосил бўлади.

Гидрофил полимерларни структуралаш натижасида, гелли асослар яратилнган ва уларнинг олиш технологиялари ишлаб чикарилган. Комбинацияланган композиция яратишда мақбул асосни танлаб олиш учун олинган барча асос намуналари қиёсий ўрганилди.

2-жадвалда ГС, пектин, Na-КМЦ ва карбопол асосидаги гелларнинг қиёсий кўрсаткичлари келтирилган:

Жадвалда кўриниб турганидек, Na-КМЦ ва карбопол орқали ҳосил бўлган гел асослари барқарор шаклга эга ва сақлашда шакли турғун эканлиги аниқланган. Бироқ, Na-КМЦдан гел асосини олиш технологияси кўп босқичли ҳисобланади, технологияни соддалаштириш ва арзонлаштириш мақсадида карбопол асосида гелли асос – 7 намуна танлаб олинди ва унинг асосида

комбинацияланган дори воситаси хамда ультратовуш ташхиси учун контакт муҳити ишлаб чиқилди.

2-жадвал

Гел асосларининг қиёсий кўрсаткичлари

№	Гел хосил қилувчи	Тикувчи агент	pH мухит	Динамик қовушқоқ., Па·с	Изох
1	Гуар смоласи	Сорбитоборат	7,2	11,2	Резинасимон гел
2	Гуар смоласи	Пентаэритрит борат	7,2	36,3	Резинасимон гел, ёпишқоқ
3	Пектин	Ca^{+2}:лимон кислотаси	6,0	4,1	Гел шакли барқарор, сақланиши беқарор
4	Пектин	Co^{+2}: лимон кислотаси	5,8	4,0	Гел шакли барқарор, сақланиши беқарор
5	Na-КМЦ	AL^{+3}:лимон кислотаси	6,5	4,5	Гел шакли барқарор, сақланиши беқарор
6	Карбопол (0,5%)	NaOH 2M	7,1	4,4	Гел шакли барқарор, сақланиши барқарор
7	Карбопол (0,5%)	Триэтаноламин	6,5	4,6	Гел шакли барқарор, сақланиши барқарор

Диссертациянинг **«Аллергияга қарши комбинирланган «Флудигель» препарати таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш»** номли **тўртинчи бобда** аллергия, замбуруғ инфекцияси асоратларини даволаш учун мўлжалланган препаратни олиш технологияси ва унинг таркибини тадқиқ этиш натижалари келтирилди.

Кўп компонентли дори воситалари яратишда физик-кимёвий, фармакодинамик ва фармакокинетик муносабатларда ўзаро бир бирига мос келиши зарур бўлган гел композициялар таркибий қисмларининг ўзаро таъсири билан боғлиқ муаммо вужудга келмоқда. Шунинг учун асосий таъсир кўрсатувчи модда– антигистаминни танлашда, унинг гелли асос билан эрувчанлиги ва мослашувчанлилигини ўрганиш зарур бўлди. Гелли асосга антигистамин препаратини бириктириш учун, I, II, III авлодга тегишли бўлган бир нечта антигистамин препаратлар, аниқроғи дифенгидрамин, хлоропирамин, лоратадин, цитеризин, фексофенадин препаратлари ўрганиб чиқилди. Антигистамин препаратларининг карбапол билан эрувчанлиги ва мослашувчанлиги бўйича олиб борилган тадқиқотлар, уларнинг кўпчилиги сув ва этил спиртида эримаслиги, улар карбопол билан мос тушмаслигини кўрсатди. Дифенгидрамин сув, этил спирти, диметилсульфоксидда яхши эрийди, у замбуруғга қарши препаратлар билан реакцияга киришмайди, унинг антигистамин фаоллиги гел композициясида ҳам ўзгармайди. Препаратнинг асосий таъсир кўрсатувчи компоненти сифатида бирмунча самарали, мавжуд ва арзон субстанция бўлган дифенгидрамин танлаб олинди.

Теридаги аллергик тошмалар кўпинча иккинчи инфекция асоратини, масалан замбуруғли инфекция келтириб чиқаради. Замбуруғ инфекциясига қарши воситани танлаш мақсадида имидазол ва триазол ҳосилалари: миконазол ва клотримазол, флуконазол, шунингдек, нистатинлар ўрганилди. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ўрганилаётган препаратлар сувда эримайди,

этил спиртида маълум даражада эрийди, бу эса гел композициясини қатламларга ажралишини келтириб чиқаради. Флуконазол ўзининг яхши ўтказувчанлик ва замбуруғ инфекциясига қарши кенг қамровли таъсирига эга, у нафақат юзаки, балки чуқур микозлар ва кандидозни ҳам даволайди. Олинган натижалар ва таҳлил қилинган бирикмаларнинг физик-кимёвий хоссаларидан келиб чиқиб, иккита фаол компонент: дифенгидрамин ва флуконазол танлаб олинди. Ёрдамчи компонентлар сифатида диметилсульфоксид, глицерин ва этил спирти танлаб олинди.

3-жадвалда бир фоизли карбопол концентрациясининг динамик қовушқоқлик таҳлили асосида препаратнинг мақбул таркиби бўйича танлаш натижалари кўрсатиб ўтилган.

3-жадвалдан кўриниб турибдики, дифенгидрамин концентрациясини 1,0 % дан кўпроқ, флуконазолни 0,5% дан кўпроқ ошириш гелнинг қовушқоқлигини пасайиши ва чўкма тушишига олиб келган. Флуконазол концентрациясини 0,5% дан кам, дифенгидраминни 1 % дан кам қилиб камайтириш эса препаратнинг фаоллигини пасайтиради. Глицерин ва этил спирти концентрациясини ошириш композициянинг реологик хоссасини ўзгаришига олиб келади. Мақбул сифатида 1 % – дифенгидрамин концентрацияси, флуконазолни эса 0,5 % концентрацияси танланди (6 намуна).

3-жадвал

Динамик қовушқоқликка боғлиқ ҳолда препаратнинг мақбул таркибини танлаш

Намуна-лар	Диме-тилсуль фоксид, %	Эта-нол, %	Глице-рин, %	Флуко-назол, %	Дифенгид-рамин, %	Динамик қовуш., Па·с	Кузатилган самара
1	5	5	5	1	1	3,95	Гелсимон, оқ рангили масса (чўкма)
2	10	10	10	1,5	1,5	2,0	ДМСО хидли қуюқ оқ масса
3	5	15	15	1,0	1,5	2,2	Лойқа, оқувчан гел
4	5	15	15	1,5	1,0	2,5	Юмшоқ гел, ранги оқ (чўкма)
5	5	15	15	0,5	0,5	4,3	Гел, шакли барқарор, шаффоф (кучсиз аллергияга қарши)
6	**5**	**15**	**15**	**0,5**	**1**	**4,1**	**Гел, шакли барқарор, шаффоф**
7	5	15	15	1,0	0,5	3,99	Лойқа гел

Гел композицияларининг муҳим параметрларидан бири, бу уларнинг структуравий механик хоссасидир. Шунинг учун кейинги босқичда тадқиқ этилаётган «Флудигель» композицияни, «Фенистил гель» (Швецария) ва «Псило бальзам» (Нижфарм, Россия) аналог импорт препаратлари билан қиёслаш орқали унинг динамик қовушқоқлигини ўрганишга эътибор қаратилди.



1-расм. «Флудигель» (1), «Псило бальзам гел» (2), «Фенистил гель» (3) препаратлари динамик қовушқоқлигининг силжиш тезлигига боғлиқлиги:

1-расмдан кўриниб турибдики, 0,3 $с^{-1}$ силжиш тезлигида, динамик қовушқоқлиги «Флудигель» - 4,1 Па·с, «Псило бальзам» - 3,9 Па·с, «Фенистил» гель - 3,7 Па·с ташкил этди. Ушбу тадқиқотлар синалаётган препарат барқарор шаклга эга бўлганлигини кўрсатмоқда. Ишлаб чиқилган гел композицияси «Флудигель» деб номланди. Препаратнинг физик-кимёвий, қовушқоқлик-эгилувчанлик хусусиятлари тадқиқ этилди, унинг барқарорлиги ўрганилди, микробиологик синов ўтказилди, сифат ва сон жиҳатдан таркиби аниқланди. Препаратнинг 5 та серияси намуналарида стандартлаш ўтказилди. 4-жадвалда «Флудигель» препаратининг асосий кўрсаткичлари берилган.

4-жадвал

«Флудигель» гелининг сифат меъёр кўрсаткичлари

Сифат кўрсаткичи	Талаб ва усуллар	Меъёрий техник хужжат талаблари
Тавсифи	Визуал органолептик ГФ РФ ОФС.1.1.0001.18	Бир жинсли, рангсиз, шаффоф гел,визуал мос келади бир жинсли, рангсиз визуал мос келади рангсиз шаффоф гел,
Чинлиги Миқдорий аниқлаш Дифенгидрамин, % Флуконазол, %	Чинлик таҳлили ЮССХ	Дифенгидрамин ва флуконазол стандарт намунанинг хроматограмма асосий чўққисига текширилаётган гель эритмаси намунасининг чўққиси хроматограммадаги ушланиш вақтига мос келиши керак. Дифенгидрамин ва флуконазолнинг 100г гелдаги миқдори 1,0±0,05, 0,5±0,05 бўлиши керак.
Қадоқдаги оғирлик	Гравиметрик ОФС.1.4.2.0007.16	Талабга мос ҳолатда.
Сувли ажратма pH и	Потенциометрик	5,8 дан 6,85 гача .
Микробиологик тозалиги	ДФ XIII талабига муофиқ 1,0 г (мл) да гр (–) бактерия ва замбуруғлар 100 дан ортиқ эмас. Энтробактериялар 10 ортиқ эмас, St. aureus ва Ps. Aeruginosa мавжуд эмас	Маҳаллий қўллаш учун мўлжалланган препаратлар талабига кўра тозалиги иккинчи тоифага мос келади.
Қадоғи	25, 40 г гел ламинат ва полимер тубаларда қоронғи шишадан тайёрланган банкада. Ҳар бир тубалар йўриқнома билан картондан тайёрланган қутига жойланган.	
Яроқлилик муддати	2 йил	

Юқорида кўрсатиб ўтилган натижалар асосида аллергияга қарши комбинацияланган дори воситасини яратиш учун карбопол асосидаги гел композициясини дифенгидрамин, флуконазол, диметилсульфоксид, глицерин ва этил спирти билан бир бирига мослаштириш имконини берувчи стратегия танлаб олинди.

Композиция таркибини назарий ҳамда тажриба жиҳатдан асослангандан сўнг, препаратнинг технологик ва аппаратура схемаси ишлаб чиқилди.

«Флудигель» препаратини тайёрлаш технологияси бир неча асосий босқичлардан иборат: Р1 реакторида карбопол эритмасини тайёрлаш, Р1 га дифенгидрамин, этил спирти ва метилпарабен эритмаларини қўшиш (Е-1,2,3 реакторлар), сўнгра М4 дан Р1 реакторига глицерин қўшиб, флуконазол барча эритмаларни аралаштириш, нейтраллаш учун М5 дан Р1 реакторига триэтаноламин қўшиш. Эритмаларнинг қўшилиш тартиби, аралаштириш вақти ва аралаштиргичнинг айланиш тезлиги, эритма pH ни қатъий назорат қилиш лозим. Битта параметрни ўзгариши гелни яроқсиз ҳолга келишига олиб келади. Аллергияга қарши «Флудигель» дори воситасини яратилган технология асосида ишлаб чиқариш, хорижий аналогларига нисбатан тайёр махсулот нархини сезиларли даражада камайтиради. «Флудигель» дори воситасини катта афзаллиги унинг таркибида гормон, антибиотик йўқлиги эса уни ножўя таъсир кўрсатмасдан очиқ яраларда қўллаш имкониятини яратади.

«Флудигель» гелини ишлаб чиқариш аппаратура схемаси



Тадқиқотнинг кейинги босқичида композицияни клиник олди синовлари ўтказилди.

Клиник олди тадқиқотлари шуни кўрсатдики, «Флудигель» дори воситаси токсик бўлмаган препаратлар синфига киради, препарат LD_{50} нинг ўртача ўлим даражаси 25000 мг/кг дан ортиқ, у нисбатан зарарсиз моддалар VI синфига киради. Бундан ташқари «Флудигель» дори воситаси кумулятив, терини қайта тикловчи хусусиятларга эга эмас, ҳайвонларнинг репродуктив функцияларига токсик таъсир кўрсатмайди.

Гел намуналарининг специфик фаоллигини ўрганиш бўйича изланишлар натижасида қуйидаги хулосага келинди:

ўрганилган гел экспериментал контакт дерматити, оғир замбуруғли инфекцияга кучли таъсир кўрсатади. «Флудигель» дори воситаси клиник синовларини ўтказишга рухсат олиш учун МТХ тайёрланди ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникаси экспертизаси ва стандартлаш Давлат маркази» ДУКга топширилди. Препарат амалиётга жорий қилиш босқичида.

Диссертация ишининг бешинчи **«Яра битказувчи «Тимогель» оригинал препарати таркибини ва технологиясини ишлаб чиқиш»** бобида яра битказувчи комбинацияланган «Тимогель» препаратини олиш технологиясини ишлаб чиқиш натижалари келтирилган.

Яра битказувчи, яллиғланишга қарши хусусиятларга эга ва шу билан бирга теридаги яра битишининг репаратив жараёнларни тезлаштириштирувчи гел композициясини олиш мақсадида тадқиқот олиб борилди ва ишлаб чиқилган асос таркибига: иммуномодулловчи, антибактериал ва антисептик препаратлар киритилди.

Антибактериал препаратни танлаш учун - цефалексин, цефтриаксон, полимиксин, метронидазол, тетрациклин каби бир нечта дори воситалар ўрганилди.

Юқорида келтирилган препаратларнинг эрувчанлиги ва карбополга мувофиқлиги бўйича тадқиқотлар шуни кўрсатдики, метронидазолдан ташқари барча препаратлар карбополга мос келмайди, этил спиртида қийин ёки умуман эримайди, уларни гел асосига қўшилганда, гел қатламларга ажралиб, чўкма ҳосил бўлди. Шунингдек, метронидазол кенг қамровли таъсирга эга самарали антибактериал ва антипротозоал воситадир.

Кейинги тадқиқотлар якуний маҳсулотдаги метронидазол концентрациясини танлашга қаратилди. 2-расмда яранинг битиш тезлигига гел асоси таркибидаги метронидазолнинг турли хил концентрациялардаги таъсир натижалари келтирилган. Метронидазол концентрациясининг 0,25% дан ошиши яра битишини тезлаштирмасдан, аксинча препарат сарфини ошириб, реологик хусусиятларнинг (динамик қовушқоқликнинг пасайиши) ёмонлашувига олиб келиши аниқланди.



2 - расм. Турли хил концентрацияда метронидазол сақлаган гел асосининг яра битиш тезлигига таъсири (M±m; n=6) *$P \leq 0,05$ назорат гуруҳига нисбатан

Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, гел таркибидаги метронидазолнинг минимал миқдори 0,25% бўлганда, фаол компонентнинг терига секин ва доимий сўрилишини ва унинг инфекция марказига тарқалишини таъминлаб, модда яллиғланиш жойида тўғридан-тўғри таъсир эта бошлайди. Шунинг учун ҳам гел асосида 0,25% метронидазол сақлаган концентрация мақбул деб топилди.

Антибактериал ва антисептик препаратлар умумлашма ҳолда даволаш самарадорлигини ошириб, яллиғланиш жараёни хавфини камайтиради. Шунинг учун кейинги компонент сифатида антисептик препарат танланди. Энг кўп қўлланиладиган ва кенг тарқалган самарали антисептик бу хлоргексидин бўлиб, кичик концентрацияларда (0,01-0,05%) қўлланилади, антисептик восита сифатида айнан ушбу антисептик танланди.

Гелнинг динамик қовушқоқлигига хлоргексидин турли концентрацияларининг (0,01, 0,025, 0,03, 0,04%) таъсири бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Гел асосига 0,025% дан юқори миқдорда хлоргексидин қўшилганда гел қовушқоқлиги пасая бошлайди, хлоргексидин концентрациясининг ошиб бориши билан гел композициясининг барқарорлиги йўқолишига олиб келади. 4-расмда препаратнинг динамик қовушқоқлигига гел таркибидаги хлоргексидин турли концентрацияларининг таъсири кўрсатилган.



1. Хлоргексидин концентрацияси - 0,01%.
2. Хлоргексидин концентрацияси - 0,025%.
3. Хлоргексидин концентрацияси - 0,03%.
4. Хлоргексидин концентрацияси - 0,04%.

3 -расм. Турли концентрацияда хлоргексидин сақлаган геллар динамик қовушқоқлигининг силжиш тезлигига боғлиқлиги

3-расмдан кўриниб турибдики, хлоргексидин концентрациясининг 0,025% дан ошиши динамик қовушқоқликнинг 1,6 Па·с гача пасайишига олиб келади, гел барқарор шаклини йўқотади. Фаол таркибий қисмлар ва гел асосининг мувофиқлигини текшириш учун гел асосига хлоргексидин, метронидазол қўшилди ва композициянинг динамик қовушқоқлиги ҳамда унинг патоген микрофлорага (бактерия ва замбуруғга қарши фаоллиги) сезгирлиги текширилди. 6-жадвалда гел композицияси фаол таркибий қисмлар концентрацияларининг динамик қовушқоқликка таъсири кўрсатилди.

5 - жадвал

Гел композицияси динамик қовушқоқлигига хлоргексидин ва метронидазол концентрациялари таъсири (100 г гел ҳисобидан**)**

№	Хлоргексидин, %	Метронидазол, %	Динамик қовушқоқлик, Па·с	Кузатилган эффект
1	0,01	0,25	4,46	Гел барқарор, лекин паст бактериоцид таъсирга эга
2	0,02	0,25	4,32	Гел барқарор, бактериоцид таъсир намоён қилади
3	0,025	0,25	4.2	Гел барқарор, шаффоф, яққол бактериоцид таъсир намоён қилади
4	0,03	0,25	3,05	Гел барқарор шаклга эга эмас
5	0,035	0,25	2,58	Гел барқарор шаклга эга эмас
6	0,04	0,25	1,6	Гел барқарор шаклга эга эмас

5-жадвалдан кўриниб турибдики, хлоргексидин концентрациясининг 0,025% дан ошиши билан композициянинг динамик қовушқоқлиги пасаяди. Жадвалдаги 3 та намуна қовушқоқлик ўлчовининг 4 дан 8 Па·с гача мақбул чегарасида тушаётганини ва шу билан бирга юқори бактерицид фаоллик намоён қилганини кўрамиз. Шунинг учун биз яна бир бор фаол таркибий қисмлар концентрациясини (алоҳида ва аралаш ҳолда) тўғри танланганлиги тасдиқладик.

